

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

№45 (394)

2020 йил 12 июнь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

f uzBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@mail.uz



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕТТБ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН МУЗОКАРА ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июнь кун
Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти билан
видеоалоқа орқали музокара ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан муносабатларида кейинги йилларда юксак даражага эришилгани ва самарали ўзаро ҳамкорлик амалга оширилаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

«Йўл харитаси» ва ЕТТБнинг Ўзбекистон бўйича стратегияси биргаликда амалга оширилиши туфайли бугун ушбу банк мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган устувор дастур ва лойиҳаларни илгари суришда муҳим шериклардан бирига айланди.

Бугунги кунда лойиҳалар портфели қарийб 1,2 миллиард долларни ташкил этиб, барча устувор йўналишларни қамраб олган. Ажратилган маблағларнинг учдан бир қисми хусусий сектор ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, шу жумладан, республикада коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини камайтиришга йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, томонлар умумий қиймати 1 миллиард доллар бўлган янги лойиҳа тақлифларини кўриб чиқмоқдалар.

Банк экспертлари Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклиги, капитал бозорини ривожлантириш, банк тизимини ислоҳ қилиш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари бўйича қонун ҳужжатлари ва стратегик ташаббусларни ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этдилар.

ЕТТБ Тошкентдаги ваколатхонасини кенгайтирди, Андижон шаҳрида офисини очди. Келгуси йилда Урганч шаҳридаги офис ўз ишини бошлаши кутилмоқда.

Президентимиз ҳамкорликнинг амалий натижалари ҳақида сўз юритар экан, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ва бу борадаги фаол сазой-ҳаракатлари учун Сума Чакрабартига самимий миннатдорлик билдирди.

Етакчи халқаро молиявий институт раҳбари бундай шаклдаги учрашувнинг ташкил этилгани учун чуқур миннатдорлик билдириб, банк Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги ислохотлар йўлини ва Марказий Осиёдаги минтақавий сиёсатни ҳар томонлама, шу жумладан, лойиҳалар портфели ва молиявий-техник кўмак ҳажмини кенгайтириш

орқали қўллаб-қувватлашда қатъий эканини таъкидлади.

Сума Чакрабарти Сирдарё вилоятидаги фавкулда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш ва мамлакатимизда пандемия кенг ёйилишининг олдини олиш бўйича қўрилган комплекс чора-тадбирларни юксак баҳолади.

Видеомуроқот чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди. ЕТТБнинг давлат корхоналарини трансформация қилиш ва банкларни хусусийлаштиришдаги иштирокига, энергетика ва нефть-газ тармоқларини ислоҳ қилиш, ажратилган кредитларни самарали ўзлаштириш, бизнесни, шу жумладан, тўқимачилик тармоғидаги лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттиришга, жумладан, Тошкент шаҳрида бўлажак Хорижий инвесторлар кенгашининг учрашуви ва 2023 йилда Самарқанд шаҳрида ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши мажлисини ўтказишга биргаликда тайёргарлик кўриш борасида келишиб олинди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА КЎП КВАРТИРАЛИ УЙ-ЖОЙЛАРНИ ҚУРИШДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойларни қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танловлар ўтказишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш бўйича танловлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 июлдан бошлаб:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ер участкалари қурилиши режалаштирилган уй-жойлар бўйича қишлоқ ҳужалигига мўлжалланган суғориладиган ерлар ва ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ҳамда аҳолини мажбурий қўчириш хавфи бўлмаган тақдирда ажратилади;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг таркибига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзгидромет» марказининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари киритилади ҳамда уларнинг ҳулосаси олинади;

(Давоми 2-бетда)

БУНЁДКОРЛИК



Поп туманида махсус карантин ҳудуди қурилиши якунланди

«Тинчлик ва соғлиқни асрасак, қолган нарсаларга албатта эришамиз» деган ғояни устувор билган давлатимиз дунёни ташвишга солаётган коронавирус хатарини тезроқ бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда.

Коронавирус оқибатларини бартараф этишга қаратилган сазой-ҳаракатлар Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган халқпарвар сиёсатнинг ҳаётий ифодаси саналади.

Коронавирус инфекциясини тарқалишининг олдини олиш ва самарали даволаш чораларини кучайтириш мақсадида қисқа фурсатларда юртимизнинг турли туманларида қатор шифохоналар, Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида махсус карантин ҳудуди барпо этилди.

Куни кеча Наманган вилоятининг Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғи ҳудудида ҳам 1200 ўринли махсус карантин ҳудудидаги қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилди.

Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси буюртмачилигида бош пудратчи «Сифат кафолат стандарт сервис» хусусий корхонаси ўртасида 60 млрд сўмлик пудрат шартномаси имзоланиб, жорий йилнинг апрель ойида қурилиш ишлари бошланиб, объектда корхонанинг 250 нафар қурувчи-муҳандислари меҳнат қилишиди.

– Объектда ҳозирги кунда карантинда сақланувчи беморларни ётоқ билан таъминлаш учун 1200 ўринга мўлжалланган 150 донна контейнерлар тўлиқ ўрнатилган бўлиб, барча ўрнатилган контейнерларда яшаш учун шароитлар тахт қилиниб, беморларни қабул қилиш учун тайёр ҳолатга келтирилди, – дейди Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Сайдиҳамид Султонов. – Бундан ташқари 2 донна омборхона ва

2 донна муолажа контейнерлари тўла жиҳозланиб ўрнатилди. 1200 ўринли махсус карантин ҳудудида ташқи ва ички сув, оқова сув, электр тармоқлари, ташқи кузатув камералари, ёнғиндан дарак берувчи ускуналар ўрнатиш, ташқи ободонлаштириш ҳамда ташқи йўлакларга асфальт ва шебен қопламаларини қоплаш, йўл четларида темир-бетон бордюрларини ўрнатиш, шунингдек, ҳудуд атрофини металл тўсиқлар билан ўраш ишлари тўла якунланди. Шунингдек, объектда ошхона биноси, маъмурият бинолари, 150 ўринли махсус шифохона биноси, жонлан-тириш ва жарроҳлик бўлимлари бинолари, кузатув назорат пункти, объектни қўриқлаш учун жалб этилган ҳарбийлар ётоқхонаси, ташқи автомобиллар тураргоҳи, патология биноси қуриш, ТП ўрнатиш, ташқи тўсиқларни ташкил этиш ҳамда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш белгиланган бўлиб, объектларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда.

Ҳудуддаги кўкаламзорлаштириш майдони жами 11,27 Га ташкил этиб, шундан 8,5 Га ташқи кўкаламзорлаштириш майдони бўлиб, 1,5 Га майдонда дароҳт экиш ва суғориш тармоқларини тортиш ишлари тўлиқ якунланди.

Яқин кунларда 150 кишига мўлжалланган махсус шифохона ҳам фойдаланиш учун топширишга тайёрланмоқда. Шифохона қурилишида сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз муҳбиримиз.

КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИДАГИ НУРЛИ БЕКАТ



Ҳар куни ишга бориш-қайтишда Сергелида қўрилган янги, кўп қаватли уйларни кўриб, тўғриси, ҳайратимни яшира олмайман. Бир неча йил олдин «бу кўримсиз жойлар обод бўлармиш, қаровсиз ётган ерлар ўрнида кўп қаватли уйлар қурилармиш» дейишса, ишонмасдим. Орадан 3-4 йил ўтар-ўтмас, бу ерда янги уйлардан иборат каттагина янги ҳудуд, бир туман пайдо бўлди. Ҳа, барчаси кўз ўнгимизда рўй берди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланмоқда, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича замонавий тизим яратилди. Шаҳарларда қурилаётган кўп квартирали уй-жойлар, қишлоқ жойларида қад ростлаётган намунали уйлар бунга мисол бўла олади. Қурилаётган уй-жойлар аҳолини, жумладан, ёш оилалар, уйга муҳтож фуқароларни арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айниқса, Сергели туманида бунёд этилган кўп қаватли уйлар ҳудуди бундан икки-уч йил аввалгига қараганда ўзига хос кўринишга эга ажойиб шаҳарчага айлангани бир қарашдаёқ кўзга ташланади.

Халқимизда «Уйи борнинг ўйи бўлмайди» деган нақл бор. Бу – рўзгор бутлиги, кўнгил хотиржамлиги ва фарзандлар қамоли учун шах-

сий турар жойнинг ўрни жуда муҳим эканига ишорадир. Мамлакатимиз аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳар 15-20 йилда алоҳида уй-жой талаб қиладиган янги авлод дунёга келаяпти. Шу сабабли арзон нархда турар жой биноларини кенг қўламда ва жадал суръатлар билан қурилиши даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Одамларнинг уй-жой билан таъминланганлик даражасидан қониқиш ҳисси оилавий бахт-саодатга элтувчи асосий омилдир. Бинобарин, бугун мамлакатимизда фуқароларнинг уй-жой шароити тубдан яхшиланаётгани, шаҳар ва қишлоқларимизда янги турар жойлар қуриш суръати ва қўлами жадаллик билан кенгайиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз. Маазур йўналишдаги ўзгаришлар инсонларнинг ҳаётдан розилиги ҳамда эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатапти.

(Давоми 2-бетда)

